

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**104** **Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини кўп марталиқ транш бўйича молиялаштириш дастурини амалга оширишга доир биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 11 январдаги ПҚ-1683-сон қарорининг 8-бандини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузурида «Лойиҳа салоҳиятини ривожлантириш ва уни бошқаришни қўллаб-қувватлаш» компоненти бўйича Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобига молиялаштирилдиган, бошқарув ходимлари сони 6 нафар бўлган Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) амалга ошириш гуруҳи ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳини ташкил этиш бўйича таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини, шунингдек Гуруҳнинг қишлоқда уй-жой қуриш ва кредитлашни ташкил этиш соҳасидаги юқори малакали мутахассислар билан таъминланишини амалга оширсин.

3. Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда лойиҳани амалга оширишга жалб қилинган бошқа ташкилотлар тегишли ҳисобот шакллари тасдиқланган Низом нормаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳани амалга ошириш бўйича ижро этувчи орган — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан ўн кун муддатда келишиб олсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитасининг «Тойота Ленд Крузер» русумли (2004 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель № 1HZ0461065, шасси № JTE CB 01J101018365) енгил автомобилни Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси балансидан Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи балансига бепул бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

5. Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шох

кўчаси, 45а-уй манзилидаги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маъмурий биносига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Бош вазир ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 6 март,
62-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2012 йил 6 мартдаги 62-сон қарорига
ИЛОВА

**Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда
уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини амалга
оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа
ташкilotларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Осиё тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш» лойиҳасини (кейинги ўринларда лойиҳа деб аталади) амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкilotларнинг ўзаро ҳамкорлиги тартибини белгилайди.

2. Лойиҳа доирасида ажратилган маблағлардан самарали ва ўз вақтида фойдаланилишини таъминлаш давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкilotлар ўзаро ҳамкорлигининг мақсади ҳисобланади.

**II. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий
давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкilotларнинг
лойиҳани амалга оширишдаги мажбуриятлари**

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги лойиҳани амалга ошириш бўйича ижро этувчи орган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи орқали лойиҳани амалга оширишни умумий мувофиқлаштиришни,

қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини, шунингдек «Лойиҳа салоҳиятини ривожлантириш ва уни бошқаришни қўллаб-қувватлаш» компоненти амалга оширилишини таъминлайди.

Ушбу мақсадларда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (шу жумладан Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи):

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ҳар йили лойиҳанинг тегишли траншларини амалга оширишнинг тармоқ жадвалини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

лойиҳанинг бирон-бир қисмини амалга ошириш учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралардан тушадиган ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қилади;

лойиҳани амалга оширишнинг бутун даври мобайнида унинг сифатли бажарилиши юзасидан назорат ва мониторинг юритади;

лойиҳани амалга оширишда қатнашадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ходимларини ўқитишни ташкил қилади;

Осиё тараққиёт банкининг ссуда ҳисоб рақамидан маблағларни кўчиришга буюртманома тайёрлашда қатнашади;

белгиланган тартибот бўйича лойиҳани даврий молиялаштиришга тегишли буюртманомани расмийлаштиришни таъминлайди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда:

Осиё тараққиёт банкининг ажратилган маблағларини тегишли битимлар асосида ваколатли банкларга қайта кредитлашни;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг лойиҳадаги улуши ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштирилишини;

қурилаётган уй-жой мавзелари ва тегишли аҳоли пунктларининг лойиҳалаш ишларини молиялаштиришни;

Осиё тараққиёт банкининг ссуда ҳисоб рақамидан маблағларни кўчиришга буюртманома тайёрлашда бевосита қатнашишни;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайта кредитланган Осиё тараққиёт банки маблағларидан ваколатли банкларнинг мақсадли фойдаланишини ўрганишни таъминлайди.

5. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминлайди:

муҳандислик-коммунал инфратузилма ва транспорт коммуникацияларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва ўрмон фондидаги ерлар тоифасига кирмайдиган ер мавзеларини намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш учун танлашда қатнашиш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектлари қуриш учун пудрат ташкилотларини танлашда қатнашиш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектлари қуришнинг сифати юзасидан зарур назоратни амалга ошириш;

янги қурилиш технологиялари ва материалларини қўлланиш ҳисобига қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектлари қуриш нархларини сақлаб туриш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

6. «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» масъулияти чекланган жамияти белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминлайди:

қишлоқ жойларда уй-жой, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш бўйича шаҳарсозлик ва лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектларини қуриш сифати юзасидан зарур муаллифлик назоратини амалга ошириш;

янги қурилиш технологиялари ва материалларини қўлланиш ҳисобига уй-жой лойиҳаларининг энергия самарадорлигини ошириш, намунавий уй-жой қуриш стандартларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

7. Ваколатли тижорат банклари (шу жумладан «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат банки) белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминлайди:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қайта кредитланган Осиё тараққиёт банки маблағларидан тегишли битимларда назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларни сотиб олиш юзасидан аризачиларнинг мурожаатлари ҳамда ипотека кредитларининг потенциал қарз олувчиларини танлаш тартиботларининг очиқ-равшанлигини таъминлаш ва уларга изчил риоя қилиш;

қарз олувчилар томонидан олинган ипотека кредитларини бериш, кейинчалик ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини, шунингдек улар томонидан қарз маблағларининг белгиланган муддатларда ўз вақтида қайтарилишини назорат қилиш;

лойиҳани амалга оширишнинг бутун даври давомида ваколатли банклар учун Осиё тараққиёт банки ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланган нормативларга риоя қилиш;

Осиё тараққиёт банкининг ссуда ҳисоб рақамидан маблағларни қўчиришга буюртманома тайёрлашда қатнашиш.

8. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминлайди:

муҳандислик-коммунал инфратузилма ва транспорт коммуникацияларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва ўрмон фондидаги ерлар тоифасига кирмайдиган ер мавзеларини намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш учун танлашда қатнашиш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектларида қурилиш-монтаж ишларини мувофиқлаштириш ва ташкил этиш ҳамда маблағларни ўзлаштириш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектларининг қурилиш-монтаж ишларини бажаришни жадаллаштириш бўйича таклифлар ҳамда шартномавий мажбуриятларни бузган пудрат ташкилотларини белгиланган тартибда алмаштириш бўйича тавсиялар киритиш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектлари

қуриш қийматини мақбуллаштириш ва камайтириш бўйича таклифлар кiritиш.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари белгиланган тартибда қуйидагиларни таъминлайди:

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойларнинг потенциал сотиб олувчиларини танлаш бўйича доимий ишлайдиган комиссияларни шакллантириш, шунингдек уларнинг очиқ-равшан ва самарали ишлашини таъминлаш;

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектларини қуриш учун пудрат ташкилотларини танлаш бўйича доимий ишлайдиган комиссияларни шакллантириш, шунингдек уларнинг очиқ-равшан ва самарали ишлашини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан биргаликда муҳандислик-коммунал инфратузилма ва транспорт коммуникацияларига эга бўлган қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ва ўрмон фондидаги ерлар тоифасига кирмайдиган ер мавзеларини ўз вақтида ажратиш;

танланган ер мавзеларини намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектлари қуришни бошлашга ўз вақтида тайёрлаш (мавжуд иморатларни бузиш, муҳандислик коммуникацияларини кўчириш ва ҳоказолар);

қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой, ижтимоий соҳа ва бозор инфратузилмаси объектларини ўз вақтида ва сифатли қуриш;

молиялаштиришни ўз вақтида бошлаш ва қурилаётган уй-жой мавзеларида ташқи муҳандислик коммуникациялари қуриш;

Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи билан биргаликда лойиҳани амалга оширишда қатнашаётган маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини ўқитиш.

10. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси қурилаётган уй-жой мавзеларида электр таъминоти ва газ таъминоти объектларини ўз вақтида ва сифатли қуришни белгиланган тартибда таъминлайдилар.

III. Ҳисоботларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасига ва Осиё тараққиёт банкига лойиҳанинг амалга оширилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Вазирлар Маҳкамасига — ҳар чоракда Осиё тараққиёт банкининг маблағларидан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг лойиҳадаги улушидан фойдаланиш тўғрисида ҳисобот;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига — ҳар ойда ваколатли банклар томонидан лойиҳа маблағлари олинishi тўғрисида ҳисобот тақдим этади.

13. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектларини қуришнинг сифатини назорат қилиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот такдим этади.

14. «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига ҳар ойда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектларини қуришнинг сифати юзасидан муаллифлик назорати бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот такдим этади.

15. Ваколатли банклар (шу жумладан «Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банки) ҳар ойда:

Вазирлар Маҳкамасига — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой сотиб олиш учун танлаб олинган қарз олувчиларнинг дастлабки ва узил-кесил бадалларини йиғиш, шунингдек уй-жой объектлари қурилишининг молиялаштирилиши тўғрисидаги ахборотни;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой сотиб олиш учун ипотека кредитлари олишга тушаётган буюртманомалар, якка тартибдаги намунавий уй-жойни сотиб олиш учун танланган қарз олувчиларнинг дастлабки ва узил-кесил бадаллари йиғилиши тўғрисидаги ахборотни;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига — Осиё тараққиёт банкнинг маблағларидан ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг лойиҳадаги улушидан фойдаланилиши тўғрисидаги ахборотни такдим этади.

16. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ҳар ойда:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Вазирлар Маҳкамасига — уй-жой, ташқи муҳандислик коммуникациялари объектлари, шунингдек ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қурилиши тўғрисидаги;

«Қишлоқ қурилиш банк» очик акциядорлик тижорат банкига — уй-жой объектлари қуриш ва молиялаштиришнинг ўзлаштирилиши, қишлоқ жойларда уй-жой мавзелари қуришда фойдаланилаётган қурилиш материалларига нархларнинг шаклланиши тўғрисидаги ҳисоботни такдим этади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари:

а) Вазирлар Маҳкамасига:

ҳар йили 1 ноябргача — қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган ер мавзеларининг намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой қуриш учун «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компаниясига бериш учун ажратилиши тўғрисидаги маълумотларни;

ҳар ойда якка тартибдаги уй-жойнинг танланган харидорларидан дастлабки ва узил-кесил бадаллар (йиғимлар тўлиқ шакллангунига қадар) йиғилиши тўғрисидаги ахборотни;

ҳар ойда намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар, ташқи муҳандислик

коммуникациялари объектлари, шунингдек ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари қурилиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этадилар;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига — вазирлик томонидан белгиланган муддатларда:

уй-жой мавзелари қуриш учун танланган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни;

қишлоқ жойларда яқка тартибда уй-жой объектлари қуриш учун танланган пудрат ташкилотлари тўғрисидаги ахборотни;

лойиҳани амалга ошириш ҳисобига ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари ва иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этадилар.

18. «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси ва «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ва Иқтисодиёт вазирлигига қурилаётган уй-жой мавзеларида электр таъминоти ва газ таъминоти объектлари қуриш тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда тақдим этадилар.

19. Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси ҳар йили 1 августгача Вазирлар Маҳкамасига қишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлар тоифасига ва ўрмон фондига кирмайдиган, муҳандислик-коммунал инфратузилмага ва транспорт коммуникацияларига эга бўлган, кейинчалик намунавий лойиҳалар бўйича уй-жой объектлари қуриш учун бўш ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

20. Вазирлар Маҳкамасига, вазирликлар ва ташкилотларга барча маълумотлар ушбу ахборотни олувчи томонидан белгиланган шакллар бўйича тақдим этилади.

IV. Яқунловчи қоидалар

21. Ахборот айирбошлашни тезлаштириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ўртасидаги ёзишмалар электрон алоқа воситалари орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда ҳужжатларнинг асл нусхалари қоғозда хат билан юборилади.

22. Лойиҳани амалга оширишга жалб этилган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда бошқа ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзларига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун жавоб берадилар.